

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил сентябрь ойининг 4 куни, Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисини ўтказиб, раислик этувчи - вилоят судининг судьяси И.Абраев, ҳайъат судьялари О.Ҳайитов ва М.Маликовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси З.Абдимуратовнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратурасининг бўлим катта прокурори М.Чориев, судланувчилар N.M, R.A, A.Sh, J.A.A ва уларнинг ҳимоячиси - адвокат Б.Шеров ҳамда таржимон Nadim Mohammad Humayunнинг иштирокида, судланувчилар N.M, R.A, A.Sh, J.A.A томонидан биргаликда келтирилган апелляция шикоятини жиноят иши материаллари асосида кўриб чиқиб, куйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Узун туман судининг 2025 йил 4 август кунидаги ҳукмига кўра,

N.M – 0000 йил 00 апрель куни Афғонистон Ислом Республикаси, Ж вилоятида туғилган, миллати афғон, Афғонистон Ислом Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам судланмаган, вақтинча ишламайди, Афғонистон Ислом Республикаси, Ж вилояти, А улусволи, Қ.Я қишлоғида яшайди, иш юзасидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нухасини ўз вақтида олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

R.A – 0000 йил 00 март куни Афғонистон Ислом Республикаси, Б вилоятида туғилган, миллати афғон, Афғонистон Ислом Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, вақтинча ишламайди, Афғонистон Ислом Республикаси, Б вилояти, К улусволи, О қишлоғида яшайди, иш юзасидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нухасини ўз вақтида олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

A.Sh – 0000 йил 00 май куни Афғонистон Ислом Республикаси, Б вилоятида туғилган, миллати афғон, Афғонистон Ислом



Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам судланмаган, вақтинча ишламайди, Афғонистон Ислом Республикаси, Б вилояти, К улусволи, П қишлоғида яшайди, иш юзасидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ҳ.А.А – 0000 йил 00 май куни Афғонистон Ислом Республикаси, Б вилоятида туғилган, миллати афғон, Афғонистон Ислом Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, вақтинча ишламайди, Афғонистон Ислом Республикаси, Б вилояти, К улусволи, О қишлоғида яшайди, иш юзасидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Афғонистон Ислом Республикаси фуқаролари Н.М, Р.А, А.Ш ва Ҳ.А.А лар 2025 йил май ойи охирида Тожикистон Республикасига мавсумий ишлаш учун бориб, биргаликда Тожикистон Республикаси Ҳисор тумани ҳудудида ёлланма ишчи сифатида ишлаб келиб, номаълум ҳолатларда ўзларига тегишли бўлган шахсларини тасдиқловчи ҳужжатларини йўқотишганлиги сабабли, 2025 йил июнь ойи ўрталарида белгиланган тартибни бузиб, чегара назорат ўтказиш масканларини четлаган ҳолда “Тожикистон-Ўзбекистон” Давлат чегараси орқали қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўтиб, сўнгра Ўзбекистон орқали Афғонистонга қайтиш бўйича олдиндан жиноий тил бириктириб, жиноий режа тузишган.

Тузилган жиноий режа асосида Н.М, Р.А, А.Ш ва Ҳ.А.А лар бир гуруҳ бўлишиб, 2025 йил 12 июнь куни тунги вақтда Тожикистон Республикасининг Ҳисор тумани, “Ч” аҳоли пункти ва Сурхондарё вилояти, Узун тумани, “Т” маҳалласи ҳудуди томонга ҳаракатланиб, “Тожикистон-Ўзбекистон” Давлат чегарасининг кўриқланиши жиҳатидан қийин бўлган қисми орқали “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида” ги Қонунида белгиланган чегара тартибини қасдан бузган ҳолда қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўтишган.

ДХХ ЧҚ 9220-сонли ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиларининг Давлат чегараси бузилганлиги тўғрисида олинган маълумотлар асосида олиб борган қидирув тадбирлари натижасида Н.М, Р.А, А.Ш ва Ҳ.А.А Узун тумани, “Т” маҳалласи ҳудудида аниқланиб ушланган ва уларнинг ёнидан шахсини тасдиқловчи “таскира” ҳужжатлари олинган.



Судланувчилар N.M, R.A, A.Sh, J.A.A биргаликдаги шикоятда, қилган ишларининг жиноят эканини билишмагани, уйдагилари қийин аҳволда оч-наҳор қолишгани, Тожикистон Республикасига ишлаш учун боришгани, бироқ улар зулм қилишгани учун ноқонуний Ўзбекистон чегарасини бузиб ўтиб, чегарачиларни ёнига ёрдам сўраб боришгани, лекин улар жиноятчи деб топиб, қамашгани, агар бундай бўлишини билганида ҳаётда уларни ёнига бормаган бўлишлари, ёш вояга етмаган фарзандлари борлиги, улар ёрдамсиз қолишгани сабабли ишни қайта кўриб чиқишни сўрашган.

Судланувчи N.M таржимон иштирокида апелляция инстанцияси судида, айбига иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам, 0000 йилда Афғонистоннинг Ж вилояти, А улусволи, Қ.Я қишлоғида туғилиб, ўша ерда яшашини, 0 нафар фарзанди борлигини, 2025 йил июнь ойи бошида Д деган ҳамқишлоғининг таклифи билан ишлаб пул топиш мақсадида Тожикистоннинг тоғли ҳудудларига борганлигини, у ерда Афғонистоннинг Б вилоятида яшовчи A.Sh, J.A.A, R.A исмли афғонлар билан танишганлигини, улар ишлашга ўзидан олдинроқ келишганлигини, Тожикистон фуқаролари каврак даласида ишлаш эвазига ойига 250 АҚШ доллари беришини айтганлигини, иш жуда оғирлиги учун уйга кетмоқчи бўлишганлигини, лекин телефонлари ва паспортларини олиб қўйишганлигини, кейин қочиб кетишга қарор қилишганлигини, йўлни билишмагани учун сув ташувчи тожикистонлик бир шахс билан гаплашиб йўл сўрашганлигини, у “анави қишлоқнинг ортида Ўзбекистон” деб кўрсатганлигини, шунда чегарадан Ўзбекистонга ўтиб, миршабларга ўзларини ихтиёрий топшириб, Ўзбекистон ҳукуматини ёрдами билан Афғонистонга қайтишни режа қилишганлигини, 2025 йил 12 июнь куни кечаси ўзи, A.Sh, J.A.A va R.A биргаликда йўлга чиқиб, чегарадан Узун тумани, “Т” маҳалласига ўтиб бориб, бир мотоциклда кетаётган кишини тўхтатишганлигини, унга чегарани ўтишганлигини, ўзларини аскарларга олиб боришини, ўз ихтиёрлари билан бориб, Афғонистонга кетишга ёрдам сўрамоқчи эканликларини айтишганлигини, ўша одам ўзларини ҳарбий хизматчиларни идорасига олиб борганлигини, ҳарбийларга бўлган ҳолатни айтиб беришганлигини, улар чегарани бузиб ўтиб, жиноят қилишганини, бунинг учун чора кўрилишини тушунтиришганлигини, чегарачиларга Афғонистон фуқаролик паспортини Тожикистонда олиб қўйишганини айтиб, ёнларидаги таскира ҳужжатларини беришганлигини, ҳарбийлар ўзига нисбатан тазйиқ ўтказмаганлигини, суриштирув ва тергов давомида кўрсатувларини ўз ихтиёри билан берганлигини, чегарадан ноқонуний ўтгани учун қилган ишидан пушаймонлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, оилавий моддий шароити оғирлигини инобатга олиб, қамокдан озод қилишни сўради.

Судланувчи R.A таржимон иштирокида апелляция инстанцияси судида, айбига иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам, 0000 йилда Афғонистоннинг Б вилояти, К улусволи, О қишлоғида туғилиб, ўша ерда яшашини, 2025 йил май ойи охирларида танишларини таклифи билан улар



билан бирга ишлаб пул топиш мақсадида Афғонистон-Тожикистон ўртасидаги Ш банда назорат ўтказиш масканидан қонуний равишда ўтиб, Тожикистоннинг тоғли ҳудудларига борганлигини, айнан қаерда ишлаганини билмаслигини, лекин ишлаган жойидан Ўзбекистоннинг Узун туманидаги қишлоқлар кўриниб турганлигини, Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарасига яқин жойда ишлашганлигини, у ерда Афғонистоннинг Б вилоятида яшовчи J.A.A ва A.Sh билан бирга ишлаганлигини, сўнг бир ҳафта ўтиб Афғонистоннинг Ж вилоятида яшовчи N.M ҳам ишлашга келганлигини, Тожикистон фуқароси билан каврак даласида ишлаш ва ойига ишга қараб пул тўлашига келишишганлигини, лекин жуда оғир иш буюриб, азоб беравергач уйга кетишга қарор қилишганлигини, телефонлари ва паспортларини ҳам олиб қўйишганлигини, 22 кун ишлагандан сўнг оғир шароитдан қийналиб чарчашганлигини, ўзларига зўравонлик билан оғир меҳнат қилдиришганлигини, шу сабабли қочиб кетмоқчи бўлишганлигини, лекин йўлни билишмагани учун сув ташувчи тожикистонлик бир шахсдан йўл сўрашганлигини, ўзбек тилини билгани учун N.M у билан гаплашганлигини, ўша одам “анави қишлоқнинг ортида Ўзбекистон” деб кўрсатганлигини, шунда чегарадан Ўзбекистонга ўтиб, миршабларга ўзларини ихтиёрий топшириб, Ўзбекистон ҳукуматини ёрдами билан Афғонистонга қайтишни режа қилишганлигини, 2025 йил 12 июнь куни кечаси ўзи, J.A.A, N.M ва A.Sh билан биргаликда йўлга чиқиб, чегарадан Узун тумани, “Т” маҳалласига ўтиб бориб, бир мотоциклда кетаётган кишини тўхтатишганлигини, унга чегарани ўтишганлигини, ўзларини аскарларга олиб боришини, ўз ихтиёрлари билан бориб, Афғонистонга кетишга ёрдам сўрамоқчи эканликларини айтишганлигини, ўша одам ўзларини ҳарбий хизматчиларни идорасига олиб борганлигини, ҳарбийларга бўлган ҳолатни айтиб беришганлигини, улар чегарани бузиб ўтиб, жиноят қилишганини, бунинг учун чора кўрилишини тушунтиришганлигини, чегарачиларга Афғонистон фуқаролик паспортини Тожикистонда олиб қўйишганини айтиб, ёнларидаги таскира ҳужжатларини беришганлигини, кечаси чегарадан ўтишган вақти Тожикистонни чегарачи ҳарбийларини кўришмаганлигини, дара орқали ўтишганлигини, мотоциклчи кишидан Термизга кетадиган таксиларга олиб боришини, Термизга бориб Афғонистонга ўтишларини айтишганлигини, у чегарачи ҳарбийлар постига олиб борганлигини, ҳарбийлар ўзига нисбатан тазйик ўтказмаганлигини, суриштирув ва тергов давомида кўрсатувларини ўз ихтиёри билан берганлигини, чегарадан ноқонуний ўтгани учун қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий моддий шароити оғирлигини инobatга олиб, қамоқдан озод қилишни сўради.

Судланувчи A.Sh таржимон иштирокида апелляция инстанцияси судида, айбига иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам, 0000 йилда Афғонистоннинг Б вилояти, К улусволи, П қишлоғида туғилиб, ўша ерда яшашини, 2025 йил май ойи охирларида танишларини таклифи билан улар билан бирга ишлаб пул топиш мақсадида Афғонистон-Тожикистон



ўртасидаги Ш банда назорат ўтказиш масканидан қонуний равишда ўтиб, Тожикистоннинг тоғли ҳудудларига борганлигини, айнан қаерда ишлаганини билмаслигини, лекин ишлаган жойидан Ўзбекистоннинг Узун туманидаги қишлоқлар кўриниб турганлигини, Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарасига яқин жойда ишлаганлигини, у ерда Афғонистоннинг Б вилоятида яшовчи Р.А ва Ј.А.А билан бирга ишлаганлигини, сўнг бир ҳафта ўтиб Афғонистоннинг Ж вилоятида яшовчи N.M ҳам ишлаганга келганлигини, Тожикистон фуқароси билан каврак даласида ишлаш ва ойига ишга қараб пул тўлашига келишишганлигини, лекин жуда оғир иш буюриб, азоб беравергач уйга кетишга қарор қилишганлигини, телефонлари ва паспортларини ҳам олиб кўйишганлигини, 22 кун ишлагандан сўнг оғир шароитдан қийналиб чарчашганлигини, ўзларига зўравонлик билан оғир меҳнат қилдиришганлигини, шу сабабли қочиб кетмоқчи бўлишганлигини, лекин йўлни билишмагани учун сув ташувчи тожикистонлик бир шахсдан йўл сўрашганлигини, ўзбек тилини билгани учун N.M у билан гаплашганлигини, ўша одам “анави қишлоқнинг ортида Ўзбекистон” деб кўрсатганлигини, шунда чегарадан Ўзбекистонга ўтиб, миршабларга ўзларини ихтиёрий топшириб, Ўзбекистон ҳукуматини ёрдами билан Афғонистонга қайтишни режа қилишганлигини, 2025 йил 12 июнь куни кечаси ўзи, Ј.А.А, N.M ва Р.А билан биргаликда йўлга чиқиб, чегарадан Узун тумани, “Т” маҳалласига ўтиб бориб, бир мотоциклда кетаётган кишини тўхтатишганлигини, унга чегарани ўтишганлигини, ўзларини аскарларга олиб боришини, ўз ихтиёрлари билан бориб, Афғонистонга кетишга ёрдам сўрамоқчи эканликларини айтишганлигини, ўша одам ўзларини ҳарбий хизматчиларни идорасига олиб борганлигини, ҳарбийларга бўлган ҳолатни айтиб беришганлигини, улар чегарани бузиб ўтиб, жиноят қилишганини, бунинг учун чора кўрилишини тушунтиришганлигини, чегарачиларга Афғонистон фуқаролик паспортини Тожикистонда олиб кўйишганини айтиб, ёнларидаги таскира ҳужжатларини беришганлигини, кечаси чегарадан ўтишган вақти Тожикистонни чегарачи ҳарбийларини кўришмаганлигини, дара орқали ўтишганлигини, мотоциклчи кишидан Термизга кетадиган таксиларга олиб боришини, Термизга бориб Афғонистонга ўтишларини айтишганлигини, у чегарачи ҳарбийлар постига олиб борганлигини, ҳарбийлар ўзига нисбатан тазйиқ ўтказмаганлигини, суриштирув ва тергов давомида кўрсатувларини ўз ихтиёри билан берганлигини, чегарадан ноқонуний ўтгани учун қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий моддий шароити оғирлигини инобатга олиб, қамоқдан озод қилишни сўради.

Судланувчи Ј.А.А таржимон иштирокида апелляция инстанцияси судида, айбига иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам, 0000 йилда Афғонистоннинг Б вилояти, К улусволи, О қишлоғида туғилиб, ўша ерда яшашини, 2025 йил май ойи охирларида танишларини таклифи билан улар билан бирга ишлаб пул топиш мақсадида Афғонистон-Тожикистон ўртасидаги Шерхон банда назорат ўтказиш масканидан қонуний равишда



ўтиб, Тожикистоннинг тоғли ҳудудларига борганлигини, айнан қаерда ишлаганини билмаслигини, лекин ишлаган жойидан Ўзбекистоннинг Узун туманидаги қишлоқлар кўриниб турганлигини, Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарасига яқин жойда ишлашганлигини, у ерда Афғонистоннинг Б вилоятида яшовчи А.Sh ва R.A билан бирга ишлаганлигини, сўнг бир ҳафта ўтиб Афғонистоннинг Ж вилоятида яшовчи N.M ҳам ишлашга келганлигини, Тожикистон фуқароси билан каврак даласида ишлаш ва ойига ишга қараб пул тўлашига келишишганлигини, лекин жуда оғир иш буюриб, азоб беравергач уйга кетишга қарор қилишганлигини, телефонлари ва паспортларини ҳам олиб кўйишганлигини, 22 кун ишлагандан сўнг оғир шароитдан қийналиб чарчашганлигини, ўзларига зўравонлик билан оғир меҳнат қилдиришганлигини, шу сабабли қочиб кетмоқчи бўлишганлигини, лекин йўлни билишмагани учун сув ташувчи тожикистонлик бир шахсдан йўл сўрашганлигини, ўзбек тилини билгани учун N.M у билан гаплашганлигини, ўша одам “анави қишлоқнинг ортида Ўзбекистон” деб кўрсатганлигини, шунда чегарадан Ўзбекистонга ўтиб, миршабларга ўзларини ихтиёрий топшириб, Ўзбекистон ҳукуматини ёрдами билан Афғонистонга қайтишни режа қилишганлигини, 2025 йил 12 июнь куни кечаси ўзи, R.A, N.M ва A.Sh билан биргаликда йўлга чиқиб, чегарадан Узун тумани, “Т” маҳалласига ўтиб бориб, бир мотоциклда кетаётган кишини тўхтатишганлигини, унга чегарани ўтишганлигини, ўзларини аскарларга олиб боришини, ўз ихтиёрлари билан бориб, Афғонистонга кетишга ёрдам сўрамоқчи эканликларини айтишганлигини, ўша одам ўзларини ҳарбий хизматчиларни идорасига олиб борганлигини, ҳарбийларга бўлган ҳолатни айтиб беришганлигини, улар чегарани бузиб ўтиб, жиноят қилишганини, бунинг учун чора кўрилишини тушунтиришганлигини, чегарачиларга Афғонистон фуқаролик паспортини Тожикистонда олиб қўйишганини айтиб, ёнларидаги таскира ҳужжатларини беришганлигини, кечаси чегарадан ўтишган вақти Тожикистонни чегарачи ҳарбийларини кўришмаганлигини, дара орқали ўтишганлигини, мотоциклчи кишидан Термизга кетадиган таксиларга олиб боришини, Термизга бориб Афғонистонга ўтишларини айтишганлигини, у чегарачи ҳарбийлар постига олиб борганлигини, ҳарбийлар ўзига нисбатан тазйиқ ўтказмаганлигини, суриштирув ва тергов давомида кўрсатувларини ўз ихтиёри билан берганлигини, чегарадан ноқонуний ўтгани учун қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий моддий шароити оғирлигини инобатга олиб, қамоқдан озод қилишни сўради.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья М.Маликовнинг маърузасини, прокурор М.Чориевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш, адвокат Б.Шеровнинг судланувчиларга енгиллик бериб, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши материаллари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд



хукмини ўзгаришсиз, келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланувчилар N.M, R.A, A.Sh ва J.A.Аларнинг жиноят содир этганликдаги айблари уларнинг ўзларини айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва фотосуратлари, Давлат чегараси бузилганлиги ҳақидаги баённомалар, шахсни кўриқдан ўтказиш баённомалари, маъмурий тартибда ушлаб туриш баённомалари, дастлабки тушунтириш хатлар, гувоҳ М.Янинг терговдаги кўрсатуви, кўздан кечириш ва олиб қўйиш баённомаси, нарсани ашёвий далил деб топиш ва ишга қўйиш ҳақидаги қарор ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, судланувчилар N.M, R.A, A.Sh ва J.A.Аларнинг айбдорлиги ҳақида асосли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

ушбу Кодекснинг 54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Биринчи босқич суди судланувчилар N.M, R.A, A.Sh ва J.A.Аларнинг жиноий ҳаракатини тўғри квалификация қилиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, юқоридаги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандидаги “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида”ги тушунтиришларига амал қилган ҳолда ишдаги енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, шахсини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уларга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбли деб топилган модда қисми санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам миқдоридан ҳам камроқ озодликдан



махрум қилиш жазоси тайинлаб, қонуний, асосли ва адолатли тўхтамга келган.

Бундай ҳолда, судланувчилар N.M, R.A, A.Sh ва J.A.Аларнинг қамоқдан озод қилиш ҳақидаги важларини асосли деб бўлмайди.

Баён қилинганларга кўра, судлов ҳайъати суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 482-484, 497¹⁷, 497¹⁸, 497²⁶, 497³¹, 497³⁶-моддаларига асосланиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и:

Жиноят ишлари бўйича Узун туман судининг 2025 йил 4 август кундаги N.M, R.A, A.Sh ва J.A.Аларга оид ҳукми ўзгаришсиз, шикоят қаноатлантирмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

И.Абраев

Ҳайъат судьялари

О.Ҳайитов

М.Маликов

